

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ХИЛОЛА РУСТАМОВНА

**ХАЛҚАРО ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Үи874 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Караходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Аҳмедов Азизхон Дилшодович
юридик фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «25» февраль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2023 йил «7» феврал куни тарқатилди.

(2023 йил 7 февралдаги 24 - рақамли реестр баённомаси).

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, юридик фанлар доктори,
профессор

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар номзоди,
профессор

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ХИЛОЛА РУСТАМОВНА

**ХАЛҚАРО ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of doctoral dissertation

Оглавление автореферата докторской диссертации

Шарипова Хилола Рустамовна

Халқаро технологиялар трансферини ҳуқуқий тартибга солиниши.....5

Sharipova Hilola Rustamovna

Legal regulation of the international technology transfer28

Шарипова Хилола Рустамовна

Правовое регулирование международного трансфера технологий.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омили сифатида янги технологиялар яратилиши ҳамда уларнинг халқаро миқёсда тижоратлашуви ва алмашинуви алоҳида аҳамият касб этади. Ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни, бунда инновация ва янги технологияларни жалб этиш ҳамда инновацион иқтисодиётга ўтиш бевосита технологиялар трансфери учун қулай муҳитни шакллантириш омилларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу жараёнларнинг барқарорлигини таъминлаш давлатлардан халқаро технологиялар трансферини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Глобал инновацион индексда Швейцария, Швеция, АҚШ биринчи учта ўринни эгаллаб келмоқда, Ўзбекистон эса мазкур рейтингда 2020 йилда 93 ўрин, 2021 йилда 86 ўринни эгаллаган¹. Бу эса мазкур соҳа мамлакатимизда етарлича ривожланмаётганлиги, бунинг натижасига иқтисодиётга етарлича инвестициялар киритилмаётганлиги ва унинг жозибадорлиги пастлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, дунёнинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари инновация ва технологиялар трансфери соҳасида юқори кўрсаткичларни намоён этиб, бу миллий иқтисодиётга янги технологияларни жалб этиш ҳамда уларни самарали ҳуқуқий тартибга солинишини ижобий хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда давлатлар ўртасида технологиялар трансфери натижасида олинган даромадлар охириги уч йилда 200 млрд. АҚШ долларидан ошган². Халқаро миқёсда технологиялар трансферини тартибга солиш қатор илмий тадқиқотлар предметига айланиб, бунда технологиялар трансферини комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни таъминлаш, инновация фаолиятини тартибга солиш, бу соҳадаги қонунчилик ва шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, давлат бошқарувини ташкил этиш ва давлат сиёсатини юритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда инновацион ривожланиш, технологик янгиланиш ва технологиялар трансфери механизмларини яратиш, уни таъминлаш ва тартибга солиш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, Глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий

¹ Глобал инновация рейтинги, 2020 йил учун – https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf, 2021 йил учун – https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

² Технологиялар трансфери статистикаси – <https://www.techtransfer.nih.gov/reportsstats/technology-transfer-statistics>

қилиш¹ мамлакат ривожланишнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги Фуқаролик кодекси², 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида”³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”⁴ ва 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵ги Фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁶ги қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Технологиялар трансферини амалга ошириш, шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва сиёсатини юритиш, халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни амалга ошириш, бу борадаги халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.11.2018 й., 06/18/5583/2221-сон; 30.05.2019 й., 06/19/5733/3216-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 23.08.2021 й., 06/21/6280/0811-сон, 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2018 й., 07/18/3698/1178-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон.

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси, инновациялар ва инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир айрим масалалар мамлакатимиз олимларидан Ҳ.Р.Раҳмонкулов, О.Оқюлов, С.С.Гулямов, Б.Тошев, И.Насриев, А.Рўзиев, И.Р.Рустамбеков, А.Ахмедов, З.Убайдуллаев, Д.А.Огай, Қ.Меҳмонов, А.Тожибоев ва бошқаларнинг¹ илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДҲ давлатларида тадқиқ қилинаётган мавзу йўналишида сўнгги йилларда тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар сифатида Капица Ю.М., Ильин П.В., Соловьева Ю.В., Ткачев М.М., Перерва П.Г., Холопенкова Е., Тосканова А.Н., Шахназаров Б.А., Клишина А., Городов О. А. ва бошқаларни² кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда технологиялар трансферини ривожлантириш ва ҳуқуқий тартибга солинишини сўнгги йилларда тадқиқ қилган олимлар сифатида Marzena Walasik, David C. Mowery, Dzurinda, Mikuláš, Chesbrough H., Leimeister J. M., Keith E. Maskus, Mark R. Joelson, Guerrero M., Urbano D. ва бошқаларни³ кўрсатиш мумкин.

Бироқ номлари юқорида келтирилган олимларнинг ишлари интеллектуал мулк ҳуқуқи, алоҳида объектлар ва инновация фаолиятининг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, халқаро технологиялар трансферини амалга оширишга доир муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари комплекс шаклда тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Инвестиция муҳити жозибadorлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал лойиҳаси (2019-2021й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро технологиялар трансфери ва унинг доирасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишини янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

технологиялар трансфери тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш;

технологияларни халқаро тақдим қилиш шакллари ва механизмларини очиб бериш;

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

халқаро технологиялар трансферида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар таъминланишини таҳлил қилиш;

технологиялар трансферини халқаро-ҳуқуқий тартибга солинишини таснифлаш;

технологиялар трансферини шартномавий-ҳуқуқий ва коллизия тартибга солинишини тавсифлаш;

технологиялар трансферини ҳуқуқий тартибга солишда хорижий тажриба ва энг яхши амалиётни аниқлаш;

рақамли иқтисодиётда технологиялар трансферининг ҳуқуқий тартибга солиниши хусусиятларини аниқлаш;

халқаро технологиялар трансфери соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти халқаро технологиялар трансфери доирасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларнинг миллий ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқаро технологиялар трансферига доир илмий-амалий муаммолар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, умумлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

технологиялар трансферини амалга ошириш, бунда трансфер технологик жамланма сифатида амалга оширилиши ва унинг ҳуқуқий механизмлари асосланган;

технологиялар трансфери доирасида шартномалар қўлланилиши тартиби ҳамда технологиялар трансфери шартномаси алоҳида шартнома сифатида асосланган;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш, бунда интеллектуал мулк, инновация ва технологиялар трансфери ҳамда рақамли реалликни эътиборга олган ҳолда комплекс тартибга солувчи ягона кодекс қабул қилиниши зарурати ва унинг асосий тамойиллари асослаб берилган;

давлат бюджети ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектлари трансферини тартибга солиш тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда уларни қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйиш зарурати асослаб берилган;

рақамли иқтисодиёт доирасида технологиялар трансферини амалга оширишда махсус платформалар яратилиши, уларнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилиши ва бунда виртуал юридик шахслар ҳамда сунъий интеллект асосида ўзини-ўзи ривожлантирувчи тизимлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва чегарасини белгилаб бериш зарурати кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро технологиялар трансфери доирасида қонунчиликда худудийлик тамойилини ҳамда *lex cause* ва *lex venditoris* коллизия нормаларини аниқ белгилаб бериш зарурати асослаб берилди;

технологиялар трансфери тушунчаси, моҳияти ва турлари очиқ берилиб, технологиялар трансфери алоҳида комплекс ҳуқуқий институт эканлиги асослаб берилди;

интеллектуал мулк объектларини савдо жиҳатлари бўйича халқаро келишувга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ва бу орқали Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик талаблари ҳам бажарилиши асослаб берилди;

инновациялар ва технологиялар трансферини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши зарурати ва унинг асосий тартибга солиш предмети кўрсатиб берилди;

халқаро технологиялар трансфери доирасида киберхавфсизликни таъминлаш, рақамли фаолиятни тартибга солиш, онлайн хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда божхона ва солиқ қонунчилигида имтиёزلарни назарда тутиш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда танқидий ва қиёсий тадқиқот олиб бориш бўйича илғор хорижий олимлар томонидан ўрганилган ва тавсия этилган усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, технологиялар трансферини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишда, технологиялар импорти ва экспортини амалга оширишда, мазкур соҳанинг комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришда, тегишли ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Интеллектуал мулк ҳуқуқи» ва «Халқаро савдо ҳуқуқи» каби ҳуқуқий фанларни ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда олий юридик таълим муассасаларида “Халқаро хусусий ҳуқуқ” ва “Оммавий ҳуқуқ” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги ишнинг амалий аҳамиятини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

технологиялар трансферини амалга ошириш, бунда технологик жамланма сифатида трансфер амалга оширилиши ва унинг ҳуқуқий механизмларини белгилашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Инновацион фаолият тўғрисидаги Қонунининг 3- ва 21-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2022 йил 1 августдаги 04/11-11-133-сон далолатномаси). Ушбу таклиф технологиялар трансферини амалга ошириш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга хизмат қилган;

технологиялар трансфери доирасида шартномалар қўлланилиши тартиби ҳамда технологиялар трансфери шартномасини қонунчиликда акс эттириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасида ҳамда Инновацион фаолият тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасида эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2022 йил 1 августдаги 04/11-11-133-сон далолатномаси). Ушбу таклиф технологиялар трансфери халқаро миқёсда амалга оширилишининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлашга хизмат қилган;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш, давлат бюджети ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектлари трансферини тартибга солиш, рақамли иқтисодиёт доирасида технологиялар трансферини амалга оширишда махсус платформалар яратилиши ҳамда Глобал инновация рейтингда мамлакат позициясини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонларида эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 14 октябрдаги 8/1-5/66-28-сон далолатномаси). Ушбу таклиф мамлакатда технологиялар трансферини тартибга солишни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан 10 та илмий мақола (4 та халқаро нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Технологиялар халқаро трансферининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг кейинги бобларида муҳокама қилинган муаммоларни ишлаб чиқиш учун назарий асоснинг таҳлили ёритилган. Ушбу бобда технологиялар трансферининг ҳуқуқий тушунчаси ва моҳияти, технологияларни халқаро ўтказишнинг механизмлари ва шакллари, технологиялар халқаро трансферидан интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг илмий-амалий муаммолари таҳлил қилинган.

Ҳозирги даврда ортиб бораётган глобаллашув доирасида технологияларнинг халқаро трансфери ва илмий-техник ҳамкорлик мамлакат иқтисодиёти юксалиши ва жадал ўсишининг таянч негизи эканлиги кўрсатилиб, мазкур йўналишда вужудга келган тушунчалар, яъни “технология”, “технологиялар трансфери”, “халқаро технологиялар трансфери” тушунчалари турли илмий ёндашувлар таҳлили асосида ўрганилган. Жумладан, мазкур атамалар юзасидан Williams L., Feinrider Martin, John K. Galbraith, David M. Haug, John E.S. Parker, Rogers E. M. каби олимларнинг фикрлари чуқур таҳлил қилиб ўрганилган. Миллий олимлардан О.Оқюлов, Н.Имомов, С.Гулямов, А.Тожибоев қарашлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таҳлиллар асосида тушунчалар таърифланган ҳамда кўриб чиқилган учта тоифа орасида энг кенг тарқалгани “билимлар трансфери” тушунчаси, “технологиялар трансфери” – билимлар трансфери шаклларида бири сифатида торроқ, “инновациялар трансфери” – фойдаланишга тайёр технология ёки унинг асосида яратилган маҳсулот трансфери сифатида янада торроқ ҳисобланиши асослаб берилган.

Бундан ташқари, таҳлиллар натижасида, тадқиқот технологиялар трансферининг шартнома тури бўйича, алмашинув даражаси бўйича, кўлами бўйича, ўтказилаётган технология тури бўйича ажратиб берилган.

Технологияларнинг тижорат ва нотижорат трансферига ҳам ёндашилиб, бунда объект сифатида аниқ моддийлаштирилган янги технология ёки янги маҳсулот эмас, балки илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари босқичида олинган билимлар ва маълумот ҳисобланиши баён этилган.

Шунингдек, бунда тижоратлаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, трансфер ва тижоратлаштириш ўртасидаги фарқнинг иккита

жиҳатини кўрсатиш мумкинлиги баён этилган. Жумладан, биринчиси, технологияни тижоратлаштириш даромад олинишини шарт қилиб қўйиши, иккинчиси эса технология трансфери технологиянинг саноатда ўзлаштирилишини амалга оширувчи томонидан даромад олиши билан боғланмаган ҳолда.

Халқаро даражада технологиялар трансфери анъанавий бизнес усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, инновацион таркибий қисмнинг юқори таваккалчилик, ноаниқлик, капитал сиғимлилиги, интеллектуал меҳнат ресурслари каби хусусиятларига қараб турли шакл ва механизмларда амалга оширилиши, шунингдек технологиялар хорижий ҳамкорга илмий-техник фаолият натижаларини тижорат ёки нотижорат асосларда тақдим қилиниши мумкинлиги, бу орқали халқаро технологиялар трансфери илмий-техник ютуқларнинг тижорат ёки нотижорат шаклларида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Таҳлиллар асосида халқаро технологиялар трансфери ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра, тижорат ва нотижорат шакллarga бўлиниши тўғрисида хулоса қилинган. Ўз навбатида, тижорат бўлмаган шаклдаги технологиялар трансферига илмий-тадқиқот натижалари бўйича ютуқлар, тажрибаларни алмашиш, халқаро илмий-техник нашрлар ва тижорат сирларини алмашиш кабилар кириши, тижорат бўлмаган шаклдаги технологиялар трансферини ҳам ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этиши, жумладан уларни тартибга солишда тижорат характердаги воситалардан фойдаланиш мумкинлиги асослантилган.

Мазкур масалалар таҳлилида Blakeney M., Ахмедов А., Галимова М., Van Norman G.A., Eisenkot R., Cunningham J.A., O'Reilly P., Arenas J., González D. каби олимларнинг илмий тадқиқотларидан кенг фойдаланилган, таҳлиллар қилиниб, хулосаларга келинган. Натижада, технологиялар трансфери кенг қамровли эканлиги, ҳуқуқий нуқтаи назардан технологик трансфер комплекс институт бўлиб, фуқаролик, солиқ, божхона, молиявий ва маъмурий ҳуқуқ меъёрларини ўз ичига олиши кўрсатиб берилган.

Технологиялар трансфери ҳуқуқий тартибга солинишининг энг муҳим элементлари сифатида муаллифлар ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, технологияларни ўтказиш бўйича битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш, имтиёзли сиёсатни амалга ошириш, юқори технологиялар яратилишини молиялаштириш, хорижга ўтказилиши мумкин бўлган технологиялар мезонларини белгилаш асослаб берилган.

Технологиялар трансферини (ҳам ички, ҳам халқаро) тегишли равишда ташкил қилиш, ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш, давлат сиёсатини тўғри юритиш муҳим эканлиги кўрсатилиб, буларнинг барчаси миллий инновацион тизимнинг самарали ишлашини таъминлашнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланиши асослантилган.

Технологиялар халқаро трансфери доирасида мавжуд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши доирасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга олиниб, халқаро технологиялар трансферининг халқаро тизимга кириб боришини таъминланишида Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти буйича битим (ТРИПС) энг

асосий ҳужжат ҳисобланиши ва Ўзбекистон мазкур ҳужжатни ратификация қилиши зарурати кўрсатиб берилган.

Butler, J.S., D.V. Gibson, Keith E., Gutterman A., Erlich J., Lei Yang каби олимлар қарашлари ва илмий тадқиқотлари таҳлиллари натижасида технологияларнинг ўтказилиши, жорий қилиниши ва қўлланилиши орқали интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси халқаро тизимга мослашувчанлиги йўналишида тадрижий ривожланишига таъсир кўрсатиши лозимлиги, бу орқали эса технологиялар халқаро трансфери тизимнинг тадрижий ривожланиши халқаро трансфери тизимининг ижобий ривожланиш истиқболларини яратилишига олиб келиши тўғрисида хулоса қилинган.

«Технологияларни халқаро трансфер қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида технологияларни халқаро трансфер қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий таҳлили, технологиялар трансферини шартномавий-ҳуқуқий ва коллизия-ҳуқуқий тартибга солиниши, технологиялар трансфери соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши ва давлат сиёсатини юритиш муаммолари кўриб чиқилган.

Бозорга янги маҳсулотни киритишни тезлаштиришга интилиш, жаҳон бозорида борган сари кучайиб бораётган рақобат кураши, мамлакатлар ўртасида эркин товар алмашинувида тўсқинлик қилувчи протекционизм, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларида маблағларни тежаш каби мақсадлар натижасида замонавий шароитларда мамлакатлар ўртасида илмий-технологик алмашинувнинг асосий шакли лицензияларнинг халқаро савдоси ҳисобланиши кўрсатиб берилган.

Технологияларнинг трансфери, жумладан тижоратлаштирилишини ривожлантириш масалаларида Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибаси алоҳида ўрганилиб, унда давлат маблағлари ҳисобидан яратилган илмий-техник фаолият натижалари ва интеллектуал мулк объектларини хўжалик айланмасига киритиш механизмини ишлаб чиқишдаги асосий тамойиллар кўрсатиб берилган.

Европа қонунчилигининг тадрижий ривожланишидаги асосий тамойил илмий-техник фаолият натижаларидан самарали фойдаланиш учун рағбатларнинг шартларини либераллаштириш ва ривожлантиришдан иборатлиги, Ўзбекистон Республикасининг мазкур тамойилга амал қилиши инновацион турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши учун зарур шарт бўлиб ҳисобланиши асослаб берилган.

Глобаллашув, инновацион жараёнлар ривожланиши даврида трансчегаравий технологик алмашинув муаммолари жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида давлатлар учун долзарб ва муҳимлиги, кўриб чиқиладиган муносабатларни тартибга солишга бўлган ягона ёндашувни шакллантириш учун халқаро-ҳуқуқий бошқариш воситалари (регуляторлар) ни ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Технологиялар алмашинувининг халқаро амалиётида мослашувчан шартнома конструкциялари қўлланилиши, (technology transfer agreements) технологияни ва тегишли интеллектуал мулк объектларини ўтказиш назарда тутилиши, фойдаланувчига муаллиф билан биргаликда ёки мустақил

равишда олинган технологияни ўзгартириш, модификациялаш, такомиллаштириш имконини берадиган шартларни ўз ичига олиши таҳлил қилинган.

Шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида инвестиция шартномаси, патент асосидаги мутлақ ҳуқуқларни сотиш шартномаси, лицензия шартномаси, “ноу-хау”ни сотиш (тижорат қийматиغا эга бўлган патентланмаган ихтироларни сотиш) шартномаси, муҳандислик шартномаси, франшизинг шартномаси, хизмат кўрсатиш (билимни талаб қилувчи хизматларни тақдим этиш – *consultancy arrangements*) шартномаси, тўлиқ тайёр ҳолда топширилган лойиҳа шартномаси (*Turn-Key Project*), қўшма корхона шартномалари, ҳуқуқни сотиб олиш шартномаси ёки ҳуқуқни топшириш шартномаси, уларга доир илмий қарашлар (А.Ахмедов, Ф. Зайнобиддинова, Helen E. Weidner, Amy Jocelyn Glass, Kamal Saggi, Шахназаров В., Arora A., Gambardella A., Kaynak A., Ian Cockburn, Mark R. Joelson каби олимлар) ўрганиб, таҳлил қилинган.

Таҳлиллар асосида халқаро технология трансфери шартномасини жорий этиш ва Фуқаролик кодексида алоҳида мустақил шартнома тури сифатида киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Шунингдек, халқаро технологиялар трансфери доирасида коллизия ҳуқуқий тартибга солиш ўрганилиб, бунда “*Lex cause*” – шартнома бўйича ҳал қилувчи ижронини амалга оширувчи томоннинг ҳуқуқи шартномага нисбатан қўлланилиши ва “*lex venditoris*” – ҳуқуқбузарлик муносабатлари саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқларни трансчегаравий ўтказишнинг исталган турида шартнома бўйича томонлар, шунингдек, ҳудудийлик принципи билан энг кўп алоқадорликда бўлган ҳуқуқ коллизия ҳаволаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Технологик рақобатнинг ҳозирги босқичида, ташқи иқтисодий сиёсати технологияларнинг фаол ижобий алмашинувида ёрдам берган мамлакатлар тажрибаси алоҳида ўрганилиб, бунда Хитой, Хиндистон, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония давлатлари тажрибалари, мазкур давлатларнинг Keith E. Maskus, Moon S., Claudia Sevenini каби олимлари ғоялари ва қарашлари таҳлил қилинган.

Таҳлиллар асосида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши ва давлат сиёсати ривожлантирилиши зарурати ҳамда бундай концепцияда қўйидаги асосий қоидалар акс этиши кераклиги кўрсатилган:

– давлат ёрдамидан фойдаланиш, хусусан, иқтисодиётнинг энг долзарб ва зарур тармоқларида инновацион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга қўйиладиган талабларни белгилаш;

– давлатнинг молиявий ва ташкилий имкониятларини маҳсулот ва жараён инновацияларини ривожлантиришга, шунингдек, агар улар илмий кашфиётга асосланган бўлса, ташкилий инновацияларни ривожлантиришга йўналтириш;

– давлат томонидан қўллаб-қувватлаш объекти ва предметини, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турларини (молиявий, солиқ, божхона, ташкилий-ҳуқуқий, ахборот ва бошқалар), шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва усулларини белгилаш.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Технологиялар халқаро трансферининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**» ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда технологиялар трансферини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, рақамли иқтисодиётда технологиялар трансферинининг илмий-амалий муаммолари, Ўзбекистон Республикасида технологиялар халқаро трансферини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболлари таҳлили амалга оширилган.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг халқаро технологиялар трансферини тартибга солиш тажрибаси Ўзбекистонда технологиялар трансфери бўйича миллий қонунчилик базасини ишлаб чиқишни ўрганиш учун жуда долзарб ва зарурлиги кўрсатилиб, АҚШ, Европа Иттифоқи (Швейцария, Германия), Буюк Британия, Япония, Корея, Хитой каби давлатлар тажрибаси қиёсий таҳлил асосида ўрганилган ва самарали жиҳатлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг технологиялар трансферини тартибга солишга оид қонунчилиги таҳлили давлатларни уч гуруҳга ажратиш орқали кўрсатиб берилган.

Танқидий таҳлиллар асосида технологияларни узатиш ва инновацияларни тижоратлаштириш бўйича хорижий тажриба ҳар доим ҳам миллий шароитда мақбул бўлмаслигини эътиборга олиб, ички тизимга жорий этилиши мумкин бўлган ижобий амалиётни кўрсатиб бериш муҳимлиги, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат корхоналарига янги технологияларни ўтказишни рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат инновацион сиёсатининг марказий вазифаларидан бири сифатида белгиланиши кераклиги асослантириб берилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига технологиялар трансферини тартибга солишга бағишланган янги боб киритилиши ёки алоҳида қонун қабул қилиниши, ёнги махсус Интеллектуал мулк ҳуқуқи кодекси қабул қилиниши бу соҳада сезиларли ривожланишга туртки бериши асослаб берилган.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиши натижасида тижоратлаштиришнинг турли усуллари, жумладан, технологиялар трансферини бирлаштирадиган гибрид бизнес моделлари шаклланиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати кўрсатиб берилган.

Рақамли иқтисодиётда платформа ечимларига асосланган тармоқ бизнес моделлари асосий моделларга айланаётганлиги, улар интеллектуал мулк ҳуқуқи эгасини ҳамкорлик занжирига шерик сифатида киритишни назарда тутувчи ҳамкорлик тамойилига асосланиши, глобаллашув жараёни ҳамкорлик имкониятларини кенгайтираётганлиги, тармоқ моделларида мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ахборот-коммуникация технологиялари ва платформа ечимлари ёрдамида амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

Бизнес-жараёнларни рақамлаштириш барқарор тенденцияга айланиб бораётганлиги, технология трансфери бизнес моделларини сезиларли даражада ўзгартираётганлиги ва инновацион стратегияларни ишлаб чиқишда янги ёндашувлар талаб қилиниши асослаб берилган. Таҳлиллар натижасида (Leimeister J.M., Chesbrough H., Тожибоев А., Галимова М., Галимов Т. ва бошқалар) рақамли иқтисодиёт доирасида технологиялар трансфери ахборот маҳсулоти ёки рақамли объект кўринишида ривожланиши кўрсатилган.

Рақамли иқтисодиёт доирасида технологиялар трансферининг кўриб чиқиладиган ривожланишидан келиб чиқиб, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари сонини кўпайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш, барча давлат хизматлари онлайн режимида бўлишини таъминлаш, тадқиқот фаолияти ва стартапларни рағбатлантириш, фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли иқтисодиётга ишончни мустаҳкамлаш учун рақамли фаолиятни тартибга солиш, киберхавфсизликни таъминлаш, ноқонуний контентдан ҳимоя қилиш ва маълумотларни бошқаришни соддалаштириш мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги асослаб берилган.

Интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқувчи ва фойдаланувчи ўртасидаги мулк муносабатларни ҳуқуқий тартибга солмасдан инновацион фаолиятни амалга ошириш мумкин эмаслиги, шу боис технологиялар ва илмий натижаларни трансфер қилиш ва тижоратлаштириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база муҳим аҳамиятга касб этиши кўрсатиб берилган. Бунда фуқаролик, солиқ ва божхона соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжи ва зарурати асослаб берилган. Шунингдек, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини давлатдан илмий-тадқиқот муассасаларига, илмий институтлар ва олий ўқув юртларидан кичик инновацион корхоналарга ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш масаласини қонунчилик даражасида ҳам ҳал этиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Шулар билан бир қаторда, миллий, минтақавий ва халқаро технологиялар трансфери учун рақамли платформа жорий этиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, рақамли платформа технологик талаб ва таклифларни жойлаштиришни, тақдим этиладиган инновацион ечимлар орасида излашни таъминлаши, сунъий интеллектга асосланган платформа мантиғи истиқболларни автоматик тарзда аниқлаши ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда лойиҳа ва технологияларни илгари суришини таъминлаши кераклиги асосланган. Жумладан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари бўйича дастури мавжуд бўлиб, унга асосан Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилиши, мазкур марказлар доирасида махсус электрон платформалар жорий этиш манфаатлироқ ҳисобланиши, марказлар томонидан бундай платформалар жорий этилиши, юритилиши уларга ишончни ошириши, бундай платформалар ягона тизимга бирикиши, фойдаланувчилар унга босқичма-босқич ўрганиши ва платформалар фаолияти мукамаллашиши натижасида марказлар фаолияти оптималлаштирилиши ва БИМТ негизида мустақил сунъий интеллектга асосланган платформа шаклланишига олиб келиши асослаб берилган.

Амалга оширилган таҳлиллар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, миллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари асосида Ўзбекистонда технологиялар трансферини ҳуқуқий тартибга солинишини самарали йўлга қўйишда, дастлабки босқичда Ўзбекистон

Республикасининг “Технологиялар трансфери тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши зарурлиги, бу мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг фаоллашувига хизмат қилиши асосланди.

Кейинги босқичда интеллектуал мулк, инновациялар ва технологиялар трансфери соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш заруратидан келиб чиқиб, ягона кодекс – Интеллектуал мулк кодексини қабул қилиш ҳамда солиқ ва божхона қонунчилигини либераллаштириш зарурати кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Интеллектуал мулк кодекси интеллектуал мулк ҳуқуқи ва унинг ҳудудий ва ҳудудлараро табиати, инновациялар ва технологиялар трансферини тартибга солиш, шунингдек, рақамли воқеликни, хусусан, рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат, кибердунёларни ҳисобга олган ҳолда янги ҳуқуқий тартиботларни киритиш соҳасидаги барча тамойилларни белгилаш ва сунъий интеллект, муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши кераклигини таъминлаш зарурлиги асослаб берилган ҳамда кодекс концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Халқаро технологиялар трансферининг ҳуқуқий тартибга солиниши масалаларининг назарий ва амалий таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди.

